

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!



Қонун - ҳам қилч, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ
1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
1999 ЙИЛ 31 АВГУСТ, СЕПАНБА
№ 35 (135)
Сотувда эркин нарҳда



8 рақамининг алоҳида бўлиб, гўё абадийлик ажралиб турадиган бир рамзидек таассурот жиҳати бор. Бу - бошқа рақамлардан фарқли ўларок, унинг ёзилишида қирра, узилиш йўқлигида намоён қолдиради. Илоҳо, мустақиллигимиз ҳам ушбу рамз каби абадий бўлсин!


ЎЗБЕКИСТОННИ ЯХШИ КЎРАМАН

Шуқуқ

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тантаналари баҳона қисқа вақт ичида ҳалқимиз, мамлакатимиз эришган, эришмаётган иқтисодий ютуқлар, маънавий юксалишлар кўзимизга ҳудди оловдай кўриниб, қалбларимизни фахру шадидорга тўлдирмоқда.

Озод юртимизнинг озод фуқаролари бўлиши замондошларимизнинг бахтиёр чехраларига боқиб, беихтиёр ўйга толасан киши. Кеча ким эдик, бугун киммиз? Кеча Ўзбекистон деган давлат бормиди, ўзбек халқини биров танирмиди? Албатта, ушбу саволлар кўпроқ яқин ўтмишимизга тааллуқли. Энг ҳолис жавобни эса озми-кўпми шу даврнинг бевосита шохиди бўлганлар айтиши шубҳасиз. Қолаверса, қиёслар, рад этиб бўлмас мисоллар воситасида ҳақиқат кўз ўнгимизда янада яққолроқ намойён бўлади.

Яқинда айнан ҳақон орқали хорижлик бир олимнинг соф ўзбекча талффузда «Мен Ўзбекистонни яхши кўраман» деган сўзларини эшитиб, тўққинчи кетдим. Ахир, ҳаяжонланмасдан бўлмайми? Кечанига бир девор-лармиён кўшимиз гапирганин ўзинга ор деб билган она тилимизни ўқир ақл-идроки, бемисл кашфиётлари билан етти иқлимни лол қилиб келатган Япониядек номдор бир давлатнинг вакили ўрганиб, завқ-шавққа тўлиб, сўзлаб турган бўлса! Аслида бунга ўхшаш во-



қалар бугун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Кекса дунё истибод занжирларини парчалаб, Ватан оздиги ва ободлиги, тараққиёти учун, авлодлари буюк аждодлар шону шавкатига муносиб ворислар бўлиши учун тинимсиз курашаётган қадим ва навқирон ўлкамизни ўзгача бир қизиқиш билан кузатмоқда. Шонли ўтмишимиз ва буюк келажак вратиси йўлидаги режаларимизни пухта ўрганган, таҳлил қилган жаҳоннинг энг илғор, ривожланган мамлакатлари тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали алоқалар ўрнатиб борасида амалий тадбирларга дадил қўл урмоқдалар. Айни пайтда мамлакатимиз истиқболини, халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу ўзаро ҳамкорликлар натижасида дунё ҳам қайсидир маънода ўзбекча «гапирмоқда».

Кеча ва бугунни таққосларканман, собиқ Шуро даврида кечган ҳарбийлик курашим ёдга тушаверди. Россиянинг олис ҳудудига жойлашган катта ҳарбий қисмда асосан ўзбек ва Урта осийлик йигитлар хизмат қиларди. Зобитлар эса деярли руслар эди. Бу ердаги миллатчилик, шовинистик кайфият йигитларимизнинг



Билмаман, етмишда сенинг зам қарғини бор. Бу қийин кунларда бизларга арзиқ бор. Зар қалай сен саваб, янада орзу бор. Зўёшга айландинг, исбиқлол. Залымга жойландинг, исбиқлол.

руҳини чўктириб, гурурини поймол қиларди. Бир кун кунора ичиб олиб, безорилиқ қилиб юрадиган рус миллатига мансуб хизматдошимизнинг хулқ-атвори муҳокама этиладиган бўлди. Айтилган вақтда ҳамма аскарлар саф тортди. Айбдор сафдан икки қадам олдинга чиққач, унинг қилиб юрган ишлари, ўша давр ибораси билан айтганда, «ленинчи ёшларга» хос эмаслиги танқид қилина бошлади. Шундан қисм командирининг унга айтган сўзлари бир умрга юрагимга оғир тошдай ботди: «Уялмайсанми, шу хатти-ҳаракатларини билан. Ахир, сен рус одамисан! Аллақандай қора мусулмон, осийлик эмасан-ку!» Энг алам қиладиган жойи, ўша вақтларда нафақат олдий аскар, балки раҳбар, эиёли миллатдошларимиз ҳам ўзларининг «кейинги тоифа» одам эканликларини яхши биларди. Бундан-да ортқ хўрлик бўлиши мумкинми инсон учун?

Истиқлол туфайли биз эски тузум ақдларидан, эски мафкура занжирларидан халос бўдик. Узимизни, ўзгичимизни англаб, қадриятларимизни таний бошладик. Ватан деганда аллақандай бепеён ҳудудни эмас, киндик қонимиз томиган, бағрида аждодларимиз ҳоқи мубораклари қоришиб ётган табаррук тупроқни англаймиз.

Байрам ўз номи билан

байрам-да. Катта-кичик давраларда узоқ-яқин қариндошлар, дўст-биродарлар йиғилиб, бир-бирининг ҳол-аҳолини сўради, қутлайди. Бу лийдорлашувлар, табиийки, тўқин дастурхонлар атрофида бўлади. Қисқа мулдат ичида ташкил этилган кўшма корхона, фабрикаларимиз чиқараётган чиройли ёрликлардаги сифатли ноз-неъматлар, роҳатбахш ичимликлар кўзни олади. Кун кеча «марказ» ёки хорихта чиқиш бахтига мушарраф бўлганларнинг оғзидан бол томиб, таъриф тавсиф қилинган «кока-кола», «фанта», қоғоз қўтилардаги ранг-баранг шарбатлар бутун ўзимизда чиқазилиб, қўшни республикаларга ҳам тарқатилаётгани Ўзбекистон иқтисодиётидаги катта қадамлардан бири эмасми?

Жаннатноманд ўлкамизда шифобахш, маъданли сув булоқлари қўпчилигини аввал ҳам яхши билардик. Аммо биздаги саноатнинг ўта қолқонлигидан, табиатнинг беминнат шу эҳсонини олдий пиша идишларга қўйиб, истеъмолга чиқаришининг иложи йўқ эди. Ёлгон бўлмаски, миллион-миллион аҳолиси бор бугун бошли республикаларнинг биргина пойтахтида маъданли сув чиқариб, холос. Шу боис бўлса керакки, юртимизнинг турли вилоятларида яшаётган кексалар, ҳатто ёшлар ҳам бугун пиша идишларга қўйилган маъданли сувни кўрса, тарқи олат амримиз

ҳол деганларидек, «Э, Тошкан сувидан ичарканмиз-да» деб қўйишди. Ваҳоланки, ҳозир ҳар бир вилоятда маъданли сувлар бир неча турдаги елим идишларда энг илғор технологиялар асосида қалокланмоқда. Қувончи жиҳати, кечанига беқадр олдимизда оқиб турган зилол сувларимизга хорижликларнинг талаб ва қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Юқоридаги мисоллар ҳар кун кундалик ҳаётимизда учраб, йўл-йўлақай айтиб ўтиладиган гаплар. Аммо уларнинг замирида олам-олам маъно бор. Биз саккиз йил мобайнида қўрилган Асақдаги «УДЭУ»га, Самарқанддаги «СамКочавто» заводлари, Қоровулбозордаги йирик нефт иншооти сингари жаҳон андозлари даражасидаги корхоналар, Хўжаобдогаги улкан газ омбори ҳақида тўхталмадик. Чунки булар ҳақида кўп ва хўп айтилади ва ёзилади. Асосий гап, уларнинг кўз ўнгимизда қурилиб, ишга туширилиб, халқимиз турмуш фаровонлигига сезиларли ҳиссасини қўшаётганлигидир!

Санамай саккиз дема, дейолади халқимизнинг доно нақлларидан бирида. Не тонки, биз бутун санаб, саксон деб айта олиш бахтига мушарраф бўлиб турибмиз. Саккиз йилнинг саксон муъжизаси Сизу бизга муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Сирожиiddин РАУФ



Тўқсонинчи йилларда Ўзбекистонимиз заманига қулиб боққан истиқлол кўши бугун кунда мамлакатимизнинг барча тармоқларида саҳоят нурини сояётди. Бу юлт қадрли кўш ҳарорати остида ҳаётимиз гул-гул яшанаётган бўлса, бунда яшайётган одамларимизнинг турмуш тарзи юқори даражага кўтарилиб, уларнинг маънавий дунёси бойиб бораётди. Шу улғ айём арафасида муҳбиримиз мустақиллик туфайли ўзгичини таниб олган ўзбек аёлларидан бири Адлия вазираги бошқармаси Бош масаҳатчиси, юридик фанлари номзоди Дилбаҳор ЯКУБОВА билан сўхбатлашди:

Истиқлол менинг тақдиримда ўзлигини англаган халқ - бахтли халқ

Дилбаҳор, айтинг-чи, Мустақиллик деганда, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак, деганда нимани тушунайсиз?
- Нима десам сизга. Бир воқеа ҳамон эсимда, собиқ иттифок йиллари эди. Москвада аспирантурада ўқирдим. Бизлар ўқийдиган ва турадиган манзилгоҳда тўла ва эркин илмий ишлар олиб бориш учун кўпгина имкониятлар мавжуд эди. Илмий иш олиб бораётган аспирантлар тез-тез чет элларга сафар «командировка»ларига юборилиб туриларди. Лекин сафарга юбориладиганлар танланиб, жуналиётган пайтларда юрагимиз қаттиқ эзиларди. Чунки ўзбекистонлик ҳамкасбларим чет элга чиқувчи бундай «бахтли» кишилар қаторига асло қўшилмасди. Ҳеч кимга сир эмас, бизлар ҳам рус оғаларимизга қўшилиб чет элга чиқишни, у ердаги ишларнинг илмий

ютуқларидан сабоқ олишни жуда-жуда истардик. Аммо бу орзуларимиз бир ўқинч бўлиб юқоримизнинг чеккасида қолиб кетарди. Нима учун йўлимизни, ўз мақсаду тақдиримизни ўз хоҳиш-истагимиз бўйича ўзимиз белгилай олмаймиз, деб эзилардим. Ростда! Истасак-истамасак марказдаги тақсиротлар, у ердан бериладиган буйруқларга бўйсунишга мажбур эдик.
Минг марта шукур қиларман. У кунлардаги кўнгли

тиқболи, фарзандларингиз келажатини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади. Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятини қандай англайсиз?
- Аввало, бу саволингизга юртбошимизнинг XV сессияда айтган гапларини келтирмоқчиман: «Тарих учун саккиз йил катта мулдат эмас. Лекин ҳолисона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгар-

нинг ранг-баранг, енгил машиналарини айтмаймизми? Хориждан келган меҳмонлар шаҳарларимиз чиройини кўриб лол бўлмоқдалар. Буларни кўриб, ҳис қилиб беҳад гурурланаман.
Ватанимиз истиқболни, фарзандларимиз келажакда қандай гапирадиган бўлсак, республикамизнинг турли шаҳарларида қуриляётган ва тез суръатлар билан қад кўтараятган, жаҳон андозларига мос келадиган академик лицейлар, касб-хўнар коллежларини кўриб қувончимизга қувонч қўшилади. Ёшларимизнинг 18 ёшга тўлиш баробарида чўқур билим ва малакали касб-хўнар соҳиб бўлиши орзуларимизнинг амалга ошаётганидан далолатдир.
- Ўзбекистоннинг эртанги кун ва унда ўз ўрни-гизини қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий гурур - бу сизини нималарга даъват этади?
- Шу қисқа, аммо маъноли фурурат - 8 йил ичида эришилган ютуқлар бизнинг келажатимизга бўлган ишончимизни оширди. Қаранг, қанча-қанча қурадли кўшма корхоналар ишга тушди, яна қанчаси қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси порлоқ келажатимизнинг нишониси. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, тараққиёт даражасини кўриб, келажатимизга ишонсизлик билан қараётган айрим кишиларнинг хом ҳаёллари тарқаб кетди. Кишиларимизда келажатимизга ишонч пайдо бўлди, бу ишонч кун сайин мустаҳкамланмоқда. Энди бизларнинг мақсадимиз битта. Барчамиз бир ёқдан бош чиқариб, мустақиллик боғини яхши парвариллашмиз, авай-авай маҳалла, даҳа ва кўчалардан ўтманг, кўз ўнгимизда таниб бўлмайиган даражадаги ўзгаришларни кўриб хайратга тушасиз, киши. Бинолар олдидан қатор-қатор турадиган, кун сайин кенгайиб, раволашиб бораётган йўлларимизнинг гурури бўлган «Асақа-

Мустақиллик халқимизнинг асрий орузи бўлиб, биздек бахтли авлод яшаётган даврда кўлга киририлган қатта бахт XX аср охири тарихимизда эҳрақ ҳарфлар билан ёзилади. Бизлар бу неъматдан ҳар қанча гурурлансак арзийди.
Мустақиллик - бу ҳуқуқ эканлигини бугун ҳар биримиз юракдан ҳис этаймиз. Мустақиллигимизни асраш, давлатимизни кучли давлатга айланишида юқори даражада хуқуқий онг ва дунёқарашига эга бўлган жамият аъзоларининг ўрни бекиёсдир.
Албатта, хуқуқий онг, хуқуқий дунёқараши, хуқуқий маданият бўлмаса, хуқуқий демократик давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Унга эса хуқуқий кенг тарғиб қилиш орқали эришилади.
Ўз миллати, Ватани, келажак учун куюниб яшаётган ҳар бир фуқаро чўқур хуқуқий билимга эга бўлмас экан, у шахсда ватанпарварлик ҳисси етарли даражада шакланмайди.
Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлусининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тасдиқланган эди. Дастурда хуқуқий маданиятни юксалтириш йўллари, чора-тадбирлар, аниқ йўланмалар, қонуларни тарғиб қилиш таъминоти, дастурни амалга оширишда мутаассадди идоралар олдидидаги вазифалар аниқ кўрсатилди.

Шундан сўнг Вазирлар Махкамасининг «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 29 май қарори чиқди ва ижрога киритилди. Мазкур қарор бизнинг вилоят ҳокимлигида ҳам амалиёт учун қабул қилинди ва ўз режа-тадбирларимиз билан мустаҳкамланди.
Вилоятимиз адлия бошқармаси ходимлари хуқуқий

Қарор ва ижро
ХУҚУҚИНИ БИЛГАН КУЧЛИДИР

уштирилди. Чамамизда, белгиланган тадбирларимизни бажарсак, вилоятимизда бошланғич синф ўқувчиларидан тортиб кексаларимизгача мустақиллик даври қонунчилиги асослари ва халқро хуқуқий ҳужжатлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлади.
Шу билан бирга баъзи тақлиф ва мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, вилоят аҳолисининг кўпчилиги кишлоқларда яшайди, агар йилнинг ҳар чоррағида, маълум кунларда вилоятдаги олий, ўрта-маҳсус уқув юртлари, корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган хуқуқшунос-педагогларимиз тузман ва кишлоқларга сафарбар қилинишни, барча

аҳолига умумий йўналишдаги дастур асосида хуқуқий билимлар беришни йўлга қўйишга бу иш янада самаралироқ бўлар эди. Кишлоқлардаги мавжуд мактаб, дам олиш масканлари, маҳалла ва гузарлар аудиториялар таълим маскани вазифасини ўташи мумкин.
Шунингдек, хуқуқий мавзудаги илмий-амалий анжуманларни ҳам кўпроқ вилоятнинг туман ва шаҳарларида ўтказишни йўлга қўйишни уйлашмиз. Ана шунда қўйилган вазифалар ечимини мақсад сари яна бир қадам қўйган бўламиз.
Қозимжон НАЖИДДИНОВ, Адлия вилоят адлия бошқармаси бошлиғи муовини

(Давоми 4-бетда)

Мукофот муборак!

ДЕҲҚОН ҚАДРИ САРБАЛАНД

Бебаҳо мустақиллигимизнинг саксон муъжизасидан бири - мамлакатимизда...

Хўжалиги олийгоҳининг агрономия факультетини ҳам битирган. Қарий 8 йилдирки, галлачилик ширкатининг бошлиғи бўлиб ишлаб...



Ғозин РАҲМОН

Иссиқ конлар ёпилсин бу тандирларда!

ЎТАЁТГАН УМР ШУКУҲИ

Эркин ака Алмурадов билан тасодифий учрашувимиз, қисқа фурсатдаги мазмунли суҳбатимиз менда...

агар бировнинг омади кулиб боқадиган бўлса, дарров қарши ҳаракатга тушибади...



эдим. Хуллас, ишнинг фақат алолат нуқтаи назаридан ҳал қилишга киришдим...

туллаева, ажойиб ҳуқуқшунос олим Мамлакат Восиқова ва бошқа кўплаб тажрибали ҳуқуқшуносларнинг ўйларини доимо назарда...

Қонунчилигимиз жонқуярлари

Сухбатдошнинг хаёллар гирдобидан олиб чиқиш мақсадида саволга тутаман: - Сизни қашқадарёликлар вилоятнинг энг забардаст судьяларидан деб билишаркан...

қўлида ўзига яраша асослари бор эди. У онаси хасталаниб, касалхонада ётганда уйга эгалик қилиш ҳақида хат ёзди...

қоидага таяниб, мероста тушган уй Мустафиннинг синглисига тегишли эканлиги ҳақида қарор чиқардим. Одамлар бу қарордан хурсанд бўлишди...

Донишмандлардан бири «Эй фарзанд, ўтган кунларнингнинг подшоҳисан, келатган кунларнинг галосисан! Эртанги кун сенинг инсонлигинга қарайди» деган экан...

Салима ҚИЛИЧЕВА, «Инсон ва қонун» мухбири

Истиқлол менинг тақдиримда

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ



Тўйчиев Маъмуржон Курбонович, 1962 йилда Чирчиқ шаҳрида туғилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. 1996 йилдан Бўстонлиқ туман суди раиси. Оқалди, 3 нафар фарзанди бор.

Муқаддас мамлакатимиз мустақиллиги ва унинг ўз истиқболи йўлида фуқаролик жамаияти, инсонпарвар демократик давлат қуриш асосларини чуқур ўзлаштириш бориб жаҳонга юз тугиши буюк бахтидир...

Ҳаётимизнинг муҳим жабҳаларини тартибга солувчи қонунлар тизими мавжуд. Яна янгилари билан бойитилмоқда, тўлдирилмоқда...

Маъмуржон ака, мана, мустақиллигимизнинг зафарли 8 йиллик байрамини ҳам нишонлаш бахтига муссабар бўлди. Мана шу шукҳули кунларда ҳаётингиздан нималар ўтмоқда, дилнингиздан нималар кечмоқда?

май, янги тарих яратётган халқимиз. Унинг ҳар бир кунини демократик ҳуқуқий давлатчиликнинг яралиш нафаслари билан уйғонмоқда. Бу уйғонинг замирида мустақилликнинг бебаҳо неъматлари ҳаётимизнинг мазмунига айланмоқда...

Мана, муҳтарам юртбошимизнинг метни иродаси ва қатъий сийёсий бошқаруви билан XXI асга дадил кириб бормоқдамиз. Худди шу асрда Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги мустақам сийёсати янада юқори ва муҳим бошқаришга қўйилди...

Хар бир ҳуқуқ-тартибот, айниқса, суд ишларида қонун устуворлигини таъминлаш деганда ҳар бир шахнинг суд олдига тенг ҳуқуқлигини таъминлаб беришнинг керак. Прокурорим, адвокатим, судланувчиси, жабрданувчиси, даъвогарими, жавобгарим уларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланган тақдирда қонун устуворлигига эришамиз.

Ярим тундаги дод-фарёддан одамлар уйғониб кетиши. Кўчада кимдир ёнаётган, жон ҳолатда югуриб, ёрдам сўраётган эди. Бундан Курбоновлар оиласи ҳам огоҳ бўлди.

Бу машғум воқеа ўтган йили Гулистон шаҳрида содир бўлди. Бунчалик раҳмсизликка қўл урган қотиллар Алижон Мўйдинов билан Аҳрор Камоловнинг Шавкатда нима қасди, алами бор эди дерсиз. Шавкат Курбонов улар билан тижорат, савдо-сотилк ишлари бўйича таниш эди.

Сабок Адашганлар

кентдан Гулистонга ҳамтовови Камолот билан йўл олади. Улар бир ярим литрли идишни бензинга тўлдириб...

Шум ният амалга ошди, Шавкат бир неча кун қўтишларини илтимос қилди. Шу пайт Камолот машинадан бензин тўлдирилган идишни олиб, Курбоновнинг устига сенди, Мўйдинов эса унга ўт қўйди.

Судда иштирок этганлар марҳумнинг ораси Дилором Курбоновнинг фарёдини унутишмас керак. У каси учун бир қўйса, сурбет қотилларнинг судда ўларини туттишларига ўн бор қўйди.

Сенларга пул керак бўлса, мен еб турган нонимни, тилла тақинчогимни, етмаса уйимни сотиб, ўзим кўчада ўтирилардим-ку. 140 минг сўм бир йилгидан қиммат бўлдим сенларга! Худого нола қилиб, сенларни қарғайман! Илоё, укагимнинг арвоҳи урсин икковингиз ҳам!

Зайниддин Жўрабоев, Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Богаро қўйсам қадам...

ШАРТНОМАНИНГ ШАРТИ ОФИРМИ?

Маълумки, шартнома ҳуқуқий ҳужжат, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб у кучга кирилади.

Пайриқ туман прокуратураси томонидан О.Умаров номидамома ҳужжалида «Ижара тўғрисида»ги ва шартнома шартлари бажарилишига қаратилган қонунларнинг ижроси юзасидан умумий назорат тартибда текширишлар ўтказилганда, ҳужжали томонидан қонун талаблари қўпол суратда бузилаётгани аён бўлди.

Бундан ташқари, шу йилнинг апрел ойида тумандаги «Сохибор» ҳужжали ўтган 1998 йилда узум етиштириш бўйича 326 нафар фуқаро билан ижара шартномалари тузилган. Текширилганда шартнома шартлари бажарилмагани, ижарачилар ҳужжалига 765890 сўмлик ҳосилни кам топширганлиги маълум бўлди.

Огоҳлик

Шу йил 16 феврал воқеалари ватандошларимизнинг қаттиқ кичигини бирдай габаблантирди.

Зеро, шу муқаддас тупроқда туғилиб, яшаб, воёга етган бир ҳовуч кимсалар томонидан амалга оширилган портлатишлар она Ватанга, халққа, Президентга хиёнат деб баҳоланди, ҳушёрлик ва сергралик ошди.

Буни битта - Қирғули тумани мисолида ҳам қуриш мумкин. Бу ерда прокурор Нўймонжон Исақов ИИБ раҳбарияти билан ҳамкорликда аҳоли тинчлиги, осоишталигини сақлаш борисида зарур тадбирларни амалга ошираётганининг гувоҳи бўласиз.

Авалло аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш борисида омма ўртасида ўтказилаётган кенг тушунтириш ишлари яққол кўзга ташланади.

Тадбирлардан бир мисол: Файрат Абдурахимов деган йигит 26 ўшга кирибдики, бирорта касбнинг бошини тутмади. Аммо бир марта камалиб қишқига улгурди. У ўзича бу дунё ишларини пул топишу аёллар билан айш суришда деб билди.

Елена деган аёл хонадонидан ўзига макон топиб, уни «эрмағмига» айлантирди. Қиш кунларидан бирида Файрат уйга улкан сумка билан кириб келди. Уй бекаси сумкада нима борлигига қизқиди. Файрат сумкани очиб, ундаги танкака қарши гранатамёт ва латтага ўроқлик тўппончани кўрсатди. Елена кўрқиб кетди. Файрат аёлга «Харидор топанману сотанману, бу танкака бўлма!» деб уйнашини тинчитди.

Сал ўтмай, қуролфуруш жиноятчилар кўлга олинди. Оқибат нима бўлди? Файрат Абдурахимов 16 йилга, Елена Фаминани эса 14 йилга озодликдан маҳрум этдилар. Ҳа, изғиб юриб, қурол топиб, одамлар ҳаётига зомин бўлиши мақсад қилганлар, уларнинг гунаҳларини, Қирғулидаги каби «қидирмиш» кутади.

Ўз мухбиримиз

Фохриддин ЖУМАЕВ, Пайриқ туман прокурори, II даражали ҳуқуқшунос

(Боши 1-бетда)

Халқимиз орасида «мулкдорлар» пайдо бўлди, ҳозир кўпчилигининг ўз кичик заводи ёки фабрикаси, фермаси ёхуд дўконлари бор. Бу эса халқимизнинг фаровонлиги йўлига қадам қўйганидан далолатдир.

Фақатгина мустақиллик тўғрисида ўзбек аёллари жуда катта эътибор берилди. Шунинг билан ўтиш жонлиқ, фақатгина бизнинг давлатимизда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш катта лавозимга эгадирлар. Чунинчи, Бош вазир ўринбосари ҳамда барча вилоят, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари аёллардир. 1999 йилни республикамизда Аёллар йили деб эълон қилиниши эса биз аёлларга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир бор самарасидир.

Маориф, таълим-тарбия соҳаларига назар солсак, бундай ўзгаришлар Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган. Унлаб янги олийгоҳлар, коллежлар ёшларни ҳозирги давр талабига мос ҳолда тарбиялаш мақсадида қуриб топширилди. Республикамизда биринчи марта Диний Университет очилди. Ҳар йили ўқитувчилар ва талабалар «Умид» ва «Устоз» жамғармаларининг грант-

ларига сазовор бўлиб, Америка, Англия, Япония, Миср каби давлатларда ўз билим савияларини ошириб келмоқдалар.

Бизга бундай имкониятларни ким берди? Фақатгина мустақиллик шарофати-ю, юртбошимиз Ислам Каримовнинг бароқатли сазой-ҳаракатлари билан шунча неъматлардан баҳраманд бўлдик.

Лекин биз мустақилликка нима бердик?

лашганимда ҳуқуқий савияларнинг паст эканлигини англаб, ўзимга-ўзим вазифа белгилдик. Бугундан бошлаб ўзининг асосий иш жойимдан ташқари маҳалла ва мактабда ҳам ҳуқуқий тарбия ишларини олиб боришни режалаштирдим. Бизнинг Тошкент юридик коллежи, «Тинчлик» номли маҳалла кўмитаси, 229-мактаб билан биргаликда фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш бўйича

Йўқ, асло. Биз ҳуқуқшунослар нафақат ўз иш жойларимизда, қолаверса, ўз оиламизда, маҳалларимизда, мактабларда фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини оширишга, қолаверса, қонун устувор бўлган давлатни қуришга барча куч-гайратимизни сарф қилишимиз шарт деб ўйламан. Шу ўринда республикамизда ҳалол меҳнат қилиб келаётган барча ҳуқуқшуносларга, Ички ишлар ва

ажратайлик. Мустақиллигимизга биз ўз томонимиздан барча куч ва гайратимизни берайлик. Республикаимизда аёлларга катта эътибор берилиб келинаётганини инобатга олиб, шунингдек, ўзбек аёлларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жонбозлик қилиш йўлида Ўзбекистон Ҳуқуқшунос аёллар халқаро ассоциацияси ташкил қилишни таклиф этмоқчиман. Чунинчи, бу ташкилот ўзбек аёлларини, оилаларини ҳуқуқий савияларини, билимдонликларини юқори даражага кўтаришда ўз салмоғини қўшади, деган умидламан.

Республикамизнинг 8 йиллик тўйини кутиб олар эканмиз, келинг, ҳар биримиз ўз-ўзимизга «Мустақилликка нима бердик?» деб савол берайлик ва барча имкониятларимиздан фойдаланиб, келажак авлодимиз камоли йўлида фаолият кўрсатайлик. Она юртимизнинг ҳақиқий фидойиси бўлайликки, келажак авлодлар бизни ҳам ҳурмат ила эссласин.

Дурдона НАЗАРОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси, «Урта махсус касб-хунар таълими фидойиси» унвони соҳиби

Истиқлол илҳами
МУСТАҚИЛ
БУ ВАТАНДА

*Куйланг энди баралла,
Авжига чиқсин ялла.
Оналар айтсин алла,
Мустақил бу Ватанда.*

*Энди мунгли бўласин,
Кувноқ алла куйласин,
Она-бола яйрасин,
Мустақил бу Ватанда.*

*Алёр-алёр хуш овоз,
Энди яшаш қандай соз,
Дилни ёқар эҳтирос,
Мустақил бу Ватанда.*

*Қадру қиммат тикланур,
Диллар энди покланур.
Қандай соз-а, яшаш хур,
Мустақил бу Ватанда.*

*Насиб энди шуқурким,
Оқ йўлга чиқди халқим.
Рустамбек қилар таъзим,
Мустақил бу Ватанда.*

Рустам ОЧИЛ

Во ажаб!

БУРЧАКСИЗ УЙ
ХОСИЯТЛАРИ

Канадалик олимлар Африқа қабилалари, Амриқо ҳиндуларининг ҳаёти, турмуш тарзи, жисмоний ва руҳий фазилатларини ўрганиш мобайнида гаройиб хулосага келишди. Улар асабийлашишдан келиб чиқадиган касалликлар, масалан, қон босими, руҳий зўриқиш билан ҳеч қачон хасталанмас эканлар. Қарангки, бунинг энг биринчи сабаби уйларнинг шаклида, тузилишида эмиш.

Олимларнинг фикрича, одам руҳий мувозанатини йўқотиб, асабий бўлиб қолишига яшаётган уйнинг бурчаклари ҳам даҳлдор экан. Тўрт бурчакли уйларда ёруғлик тенг тақсимланмайди, тўрт девор тор кўриниб кетади ва ўзини у бурчакдан бу бурчакка ураверади. Амриқолик ва африқолик туб аҳоли эса бир умр бурчак нималигини билмай ўтишади.

КУЧИГА КУЧ
ҚЎШИЛГАЧ...

Миршаблар Силишта Кручий қишлоғида (Руминия) яшовчи Йорданескунинг тинчлантириш учун озмунча овора бўлмадилар.

...Утмишда грек-рим кураши бўйича мамлакат вице-чемпиони бўлган Йорданески уч литрли банкадаги уй виносини паққос бўшатиб олгач, аввал хонадагиларни боғ томон ҳайдади, сўнг қўлига болта олиб, улар ҳаётига хавф сола бошлагач, улар қўшнлариникида жон сақлашди.

Икки нафар маҳаллий миршаб уни тинчлантиришга беҳуда уринди. 140 килоли «баҳодир» шундай қаҳрга миндики, миршаблар ўз қароғроҳларидан чиқолмай қолишди. Улар телефон орқали шаҳардан ёрдам сўрашди. Лекин тўрт нафар махсус хизмат мишраблари ҳам «полдон» қаршичилигини дарҳол енгилмади. Икки соатдан сўнггина чемпионни ерга йиқитиб, боғлаб олишди.

Йорданескини шаҳарга эсон-омон олиб бориб, асаб касалликлари шифохонасига ётқириш учун унга бир йўла икки кишилик ухлатадиган дори ичиришга тўғри келди.

ОНА ЮРТНИНГ
ФИБОЙИСИ БУЛАЙДИК

Бу саволга авваламбор ўйлаиб қолдим. Мен юридик коллежда ишлар эканман, ёшларнинг ҳуқуқий илмини ошириш йўлида меҳнат қилиб келаётган бўлсам, гоҳида дарслардан шунанганга чарчаб келсам яна мустақиллигимизга нима ҳам бера олар экан? Бу саволга 1998 йил Тошкент шаҳрининг «Тинчлик» номли маҳалласида жойлашган 229-урта мактабда бўлганимда жавоб топдим. Мактаб ўқувчиларини, маҳалла фуқароларини кўрганамда, улар билан суҳбат-

1998-1999 йилларга режа белгилаб олдик. Ушбу режа асосида бир неча ҳуқуқий тадбирлар ўтказдик, болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига аҳамиятни кучайтирдик. Бизнинг амалии ишларимиз Ўзбекистон телевидениеси орқали кўп бора намойиш этилди. Болаларнинг сеvimли журнали «Гулхан» саҳифасида «Сен қонунни биласанми?» мавзусида янги ҳуқуқий тарбия тизимини олиб бораемиз.

Бу қилаётган ишларимиз мустақиллигимиз учун стар-тирлиги, суд ва прокуратура ходимларига мурожаат этмоқчиман. Азиз ҳамкасблар! Ҳар бир маҳаллада ўнлаб ҳуқуқшунослар, ички ишлар, суд ва прокуратура ходимлари истиқомат қилиб келадилар. Келинг, ҳар биримиз ўз асосий касбимиздан ташқари, маҳалла кўмиталари қошида фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси, жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқий жамоатчилик марказлари ташкил қилайлик. Хафтада бир неча соат вақтимизни ушбу хайрли ишга

АГАР




Агар болангиз акаларига берган пулларингизни ҳам тортиб олса — у сотувчи бўлади.

Байрам баҳорати



Агар болангиз текис асфалтни бузса — у йўл қурувчи бўлади.

Агар болангиз меҳмон келганда уй тўрига чиқиб олса — у амалдор бўлади.



Агар болангиз китоб йиртса — у кутубхоначи бўлади.

БОЛАНГИЗ...

Бу ажиб дунё
ҚҲЙ
ЁҒИДАН...
ЁНИЛҒИ

Ҳар бир дақиқада дунёнинг турли бурчакларида қанчадан-қанча гаройиб воқеалар содир бўлмайди, дейсиз. Хуллас, Янги Зеландияда кашф этилган мана бу янгиликка эътибор беринг:

Мамлакатда ёнилғи танқислигини ҳисобга олиб, аҳоли эҳтиёжини қандай бўлса ҳам қондириш мақсадида қўй ёғидан ёнилғи ишлаб чиқишни ўйлаб топилди.

Бугунги кунда мамлакатда 70 миллион қўй бор. Ҳисоб-китобларга қараганда, улардан ёнилғига бўлган эҳтиёжнинг 10 фоизини қондириш мумкинлиги маълум бўлди. Битта қўйнинг 2 кило ёғидан 3 литр ёнилғи ишлаб чиқиш мумкин. Бу гаройиб кашфидан ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамияти хурсанд эмас, албатта. Аммо муҳтожлик ақлни чарҳлайди, деганлари ҳам бежиз эмас-да!

"РЕКЛАМА"

- Дўхтиржон, томишимиздан чакки ўтавериб, жонимизга тегди! Тунуқалари эскириб, юқлашиб кетганини, нима бало, яна битта тешик пайдо бўлибди.

- Йўқ, тешикнинг пайдо бўлишида тунуқаларнинг айби йўқ.

- Унда айб нимада? Сиз нима маслаҳат берган бўлардингиз?

- Мен сизга «Блендамед» пастасини тавсия этман.

- «Блендамед» пастасини?

- Ҳа, ушбу паста билан томигини кунига икки марта ювсангиз, томигини янада бақувват бўлиб, тешиклар ўз-ўзидан йўқолиб кетади, чакки балосидан тасоман қутуласиз...

Орадан бир hafta ўтди.

- Зур! Дўхтиржон, томишимиздан чакки ўтмай кўйдим! Янги тешик ҳам йўқ!


Бутун жаҳон тиш доволлаш Ассоциацияси тавсия этди: «Блендамед» нафақат тишингизни, балки томигини ҳам зағнашдан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир!

Илҳом ЗОИР

ЭЪЛОН

Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 30 июнда Содиқов Нўрможон Иминович номига АН 000003 ва Сотволдиев Бурхон Комиловичга берилган АН 000015 серияли нотариуслик лицензиялари БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мусаввир ҳазили



Агар болангиз овқат лайтида ҳам, ухлаётганда ҳам тинимсиз гапираверса — у суҳандон бўлади.



Агар болангиз кўпчилик орасида ўғирлик қила олса — у ишбилармон бўлади.



Агар болангиз пайтоғини бир оёғига кийиб, иккинчисига киймаса — у шоир бўлади.

Матнлар муаллифи Тўхташ АШУРОВ

<p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ</p> <p>ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ Файбулло РАҲИМОВ Парахат АЙТНИЁЗОВ Бурхон БЕКМИРЗАЕВ Шавкатжон МАВЛОНОВ Неъмат АМИНОВ Абдил ТҲУТАШЕВ</p>	<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Тўхтамурад ҲАСАНБОВ (масъул котиб) Узоқ БОЗОРОВ Элмурад МУТАЛХУЖАЕВ Миршоҳид МИРҲАМИДОВ Нормейли НОРПУЛАТОВ</p>	<p>Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0668. Тиражи-10.000. Босишга топширилган вақти 21.00. Босишга топширилди 20.00</p>	<p>Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДУСМАТОВ Теруви: М. ДҲСТОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайтлоғ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41 «Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00141-сон билан рўйхатдан ўтган.</p>
---	---	--	---	--	--